ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.T.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ

ЮЛДАШЕВА ГУЛНОРА БУРАНОВНА

АВТОТРАКТОР АГРЕГАТЛАРИ УЧУН ФТОР ТАРКИБЛИ МЕТАЛЛ-ПОЛИМЕР КОМПОЗИЦИОН МАТЕРИАЛЛАРНИ ЯРАТИШ

05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик, қуймачилик, металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси (қуймачилик ва металларга термик ишлов бериш йўналиши бўйича)

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

УДК 620.22:621.79.01

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

on technical sciences

Юлдашева Гулнора Бурановна

Автотрактор агрегатлари учун фтортаркибли металл-полимер композицион материалларни яратиш……..……. 3

Юлдашева Гулнора Бурановна

Создание металлополимерных композиционных фторсодержащих материалов для автотракторных агрегатов.... 18

Yuldasheva Gulnora Buranovna

Creation of metal-polymeric composition fluorine contained materials for auto tractor aggregates ……..... 34

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works…….……. 37

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018. T.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ

ЮЛДАШЕВА ГУЛНОРА БУРАНОВНА

АВТОТРАКТОР АГРЕГАТЛАРИ УЧУН ФТОР ТАРКИБЛИ МЕТАЛЛ-ПОЛИМЕР КОМПОЗИЦИОН МАТЕРИАЛЛАРНИ ЯРАТИШ

05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси (қуймачилик ва металларга термик ишлов бериш йўналиши бўйича)

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/T72 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент автомобил йўлларини лойихалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати 3 тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.gupft.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz.)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар : **Рискулов Алимжон Ахмаджонович**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Джумабаев Алижон Бакишевич**
техника фанлари доктори, профессор

Михриддинов Рисқидин Михридинович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент темир йўл муҳандислари институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.28.02.2018.T.03.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «23» февраль соат _14^{00}_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32, e-mail:tstu_info@edu.uz.).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (113-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-03-41).

Диссертация автореферати 2019 йил «8» февраль куни тарқатилди.
(2019 йил « 6 » 46 № реестр баённомаси).

К.А.Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Н.Д.Тураходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

Р.М.Михридинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда транспорт соҳасида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун энг мақбул материаллар яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада дунёнинг ривожланган мамлакатларида, жумладан Америка, Европа, Япония, Жанубий Корея, Россия, Украина, Беларуссия каби давлатларда автомобил саноати учун металл полимер тизим элементларини тайёрлашда қўлланиладиган композицион материаллар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда фторли боғловчилар асосида олинган нанокомпозит материалларнинг самарали турларини яратиш, ишқаланувчи деталларини конструктив элементлар ва юпқа қатламли ишқаланиш коэффициентини камайтириш, коррозион-механик ейилиш суръатини секинлаштириш, рақобатбардош кўрсаткичларга эга бўлган композицион материаллар ишлаб чиқариш каби йўналишларда мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга турли тузилиш ва молекуляр массали фтортаркиб матрица асосли композицитлар ишончлилиги, хавфсизлиги ва иш муддатини ошириш, металлополимер система элементларини конструкцион материал ва юпқа қоплама сифатида ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Республикамизда автомобил агрегатларини сифат жиҳатидан замон талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқиш, ишлаб чиқарилган машина ва механизмларнинг жихозлар ишончлилигини, хавфсизлигини ва хизмат муддатини ошириш учун улар тайёрланадиган материалларнинг сифатини яхшилашга оид кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ... ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, шу асосда ташқи ва ички бозорда миллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш»[1] вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, автомобилларнинг ишқаланувчи қисмлари, нозик технологик жиҳозлари, қулфлаш арматуралари, буюмлар ва ярим маҳсулотларни совуқлайин деформациялаш усулида тайёрлаш жараёнлари учун молекуляр массаси турлича бўлган фтор компонентлар асосидаги нанокомпозит триботехник материаллар ва қопламалар таркиблари ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 февралдаги ПҚ-2120-сон «2014-2016 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

материалларни дастури ҳақида»ги ва 2015 йил 11 февралдаги ПҚ-2298-сон «2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни маҳаллий шароитларда ишлаб чиқариш дастури ҳақида»ги Қарорлари, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурсларни тежаш», VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Зичланган (қуюқлаштирилган) муҳитларнинг наноҳолат деб аталган фавқулотда ҳолатини кўп омилли усуллар ёрдамида тадқиқ этиш натижасида полимер, олигомер ва аралаш (қурама) матрицаларга асосланган материалшунослик илми дунёга келди. Drexlel K.E., Pool C.P., Owens F.J., Eds. A.S. Edelstein, R.C. Caminarata, P.M. Ajayan, L.S. Schadler, A.V. Braun, M.A. Stroscio, M. Dutta, И.П. Суздалев, А.И. Гусев, Ю.Д.Третьяков, Р.А. Андриевск, А.А. Охлопков, В.М. Бузник ва бошқа олимлар бажарган тадқиқотларда таркиблари турлича бўлган наноўлчамли заррачаларнинг тузилиши ва электрофизик тавсифлари параметрлари, бундай таркибларни ҳосил қилиш технологиялари ўрнатилган. Беларус Республикасининг Гродно Давлат университети олимлари, профессор В.А. Лиопо ва В.А Струк бажарган тадқиқотлар натижасида нанозарраларнинг ўлчамини баҳолаш учун формула-аналитик ифода ишлаб чиқилган. Натижада ташкил этишнинг турли поғоналарда структурали модификациялашнинг амалдаги самаралари билан ҳисобий параметрлар орасидаги корраляцион боғлиқлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикасининг олимлари, жумладан академиклар С.Ш. Рашидова, С.С. Негматов, профессорлар Р.Н Ашуров, А.А. Рискулов, Х.Э. Юнусов, У.А.Зиямухамедовалар томонидан полимер материалларнинг ўзаро фрикцион таъсирлашувида структуравий мослашувнинг механизми ишлаб чиқилган. Шу билан бир қаторда фторли боғловчилар асосида олинган нанокомпозит материалларнинг самарали турларини яратиш долзарб муаммо бўлиб, уларни ҳал қилиш асосида композитлар структурасининг шаклланиш механизмларини ўрганиш, машинасозлик, энергетика ва кимё саноатида қўлланиладиган материаллар яратиш учун илмий асосларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент автомобил йўлларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтининг илмий-тадқиқотлар режасининг № ИТД-12-59 «Полимерлар ва табиий модификаторлар асосидаги наноконструктур-лаштирилган конструкцион ва триботехник материаллар таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш» (2012-2015) ва №КА-12-004 «Машинасозлик учун наноконструкторлик металлополимер материалларни яратиш» (2015-2017) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: юк автомобиллари кардан валларининг шлицали бирикмаси мисолида автотрактор агрегатлари учун фтор таркибли металлополимер композицион материалларни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фтор композитлар асосида металлполимер системаларда қўлланадиган ейилиш, ингибиторларининг структураси хусусиятларини, таъсир механизмларини аниқлаш;

полимер, олигомер ва аралаш матрицалар асосидаги фтортаркибли нанокомпозит материаллар структурасини молекуляр, молекулалараро, малекулалардан юқори, нано ва макрофаза поғоналарда бошқаришнинг методик тамойилларини ишлаб чиқиш;

ишқаланувчи металлополимер узеллар ва металл загатовкаларнинг деформацияланувчи системаларида фторли олигомер ва аралаш матрицалар асосида ажралувчи қатламлар шаклланиши механизмларини тадқиқ этиш;

фтор комполнентлари асосида нанокомпозит триботехник материалар ва қатламлар таркибини ишлаб чиқиш ва уларни автотмобиллар, технологик ускуналарни ишқаланувчи узелларда ва металл қотишмалардан буюмлар ва ярим маҳсулотлар тайёрлаш жараёнларида синаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «MAN» русумли юк автомобиллари кардан валлари шлицали бирикмалари ишқаланувчи узеллари ва ажралувчи қатламлар элементлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети турлича таркиб, структура молекуляр массага эга бўлган, ичида турли таркибли ва дисперсли компонентлари бор фторли матрицалар асосидаги композит материалларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида ИК-спектроскопия, ДТА, ТСТ-анализ, атом-куч микроскопия (АСМ), деформация-мустаҳкамликка, адгезия, триботехник, коррозияга оид стандарт кўрсаткичларни аниқлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги:

металлполимер триботехник системаларининг фторли, ейилиш ингибиторлари молекуляр масса мезони бўйича таснифланган;

молекуляр, молекулалараро, молекулалардан юқори, нано ва макрофазавий поғоналарда, материалшуносликка оид технологик ва триботехник омиллар таъсирида ташкил этиш жараёнларини бошқаришни назарда тутувчи полимер, олигомер ва аралаш матрицалар асосида олинган

фторли нанокомпозит материаллар структурасини бошқаришнинг методик тамойиллари ишлаб чиқилган;

структураси турлича бўлган трибосистемаларнинг элементлари ўзаро ишқаланиши натижасида фторли олигомер ва аралаш матрицалар асосида ажралувчи қатламларнинг шаклланиш механизмлари ишлаб чиқилган;

автомобилларнинг ишқаланувчи қисмлари, нозик технологик жиҳозлар, қулфлаш арматуралари, буюмлар ва ярим маҳсулотларни совуқлайин деформациялаш усулида тайёрлаш жараёнлари учун молекуляр массаси турлича бўлган фтор компонентлар асосидаги нанокомпозит триботехник материаллар ва қопламалар таркиблари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

автотрактор агрегатлари ишқаланувчи узелларида қўллаш самарали бўлган фтортаркибли олигомер, полимер ва аралаш матрицали нанокомпозицион ва нанофазали материаллар таркиби ишлаб чиқилган;

фтортаркибли матрица асосли композицион триботехник материал «MAN» русумли юк автомобилларининг кардан валлари шлицали бирикмалари ишқаланувчи қисмларининг қатламларини таъмирлаш технологик жараёнларида қўллаш учун ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тезлаштирилган ресурс синовлари натижаларини синовдан ўтган усуллар билан таҳлил қилишда замонавий тадқиқот усулларининг қўлланилиши билан таъминланганлиги ҳамда стандарт ўлчаш воситаларида олинган натижаларнинг қиёсий таҳлили ва уларнинг ўзаро мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти полимер, олигомер ва аралаш матрицалар асосида олинадиган фторли нанокомпозит материалларнинг структурасини ташкил этишнинг турли поғоналарида бошқариш учун методологик тамойиллар ишлаб чиқилганлиги ва булар ёнлама (материал) ва ишораси ўзгарувчан кўчиб ўтишни ва эксплуатация жараёнида деформация-мустаҳкамлик ва триботехник тавсифлари юқори бўлган нанокомпозит материал шаклланишини таъминлаши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган нанокомпозит материаллар, ишқаланиб ишлайдиган узелларда фрикцион ўзаро таъсирлар механизм ўзгариши туфайли деталларнинг ейилишга бардошлилигини ошириш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фтор таркибли металл-полимер композицион материалларни яратиш асосида:

технологик ва триботехник омиллар таъсирида ташкил этиш жараёнларини бошқаришни назарда тутувчи полимер, олигомер ва аралаш матрицалар асосида олинган фторли нанокомпозит материаллар структурасини бошқаришнинг методик тамойиллари «Ўзбекистон Металлургия комбинати»да юк автомобилларининг кардан валлари шлицали бирикмалари ишқаланувчи қисмларининг қатламларини таъмирлаш технологик жараёнлариг жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси

Автомобил йўллари давлат қўмитасининг 2017 йил 16 октябрдаги 01-125-сон маълумотномаси). Натижада ишқаланиб ишлайдиган узелларда фрикцион ўзаро таъсирлар механизм ўзгариши туфайли деталларнинг ейилишга бардошлилигини ошириш имконини берган;

фтор таркибли олигомер, полимер ва аралашмали матрицалар асосидаги ишлаб чиқилган нанокомпозицион ва нанофазали материаллар Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси тасарруфидаги «Трансйўлқурилиш» давлат унитар корхонасида автомобиль агрегатлари деталларининг таъмирлаш технологик жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг 2017 йил 16 октябрдаги 01-125-сон маълумотномаси). Натижада шлицали бирикманинг ейилишга чидамлилигини 1,5-2 маротаба ошириш имконини берган;

нанокомпозицион триботехник материаллар ва фтор компонентли қопламалар «Трансйўлқурилиш» давлат унитар корхонасида юк автомобилларининг кардан валлари шлицали бирикмалари ишқаланувчи қисмларининг элементи сифатида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг 2017 йил 16 октябрдаги 01-125-сон маълумотномаси). Натижада ишқаланувчи деталларнинг ишлаш муддатини оширишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та республика илмий-техник ва 7 та халқаро конференцияларда мухокама қилинган.

Диссертация натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та иш нашр қилинган. Шулардан 7 таси илмий мақола бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашрларда 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган ва битта монография чоп эттирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйҳати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва унга бўлган эҳтиёж, тадқиқотнинг мақсади ва масалалари, объекти, предмети ва усуллари, Ўзбекистон фан ва технологияларининг ривожланишидаги устувор йўналишлар билан уйғунлиги, илмий янгилиги, натижалари ва уларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамиялари, амалиётга жорий қилиниши, диссертациянинг мухокамалари, нашр маълумотлари, структураси ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Фторли триботехник композит материллар: структуранинг хусусиятлари, модификациялаш усуллари, қўлланиш соҳалари»** номли биринчи бобида молекуляр массаси турлича бўлган фторли матрицалар асосида олинган композит материалларнинг структураси

ҳусусиятларига ва эксплуатация тавсифларига бағишланган тадқиқотлар танқидий тахлил қилинган.

Политетрафторэтилен (ПТФЭ) асосида олинган триботехник композитларнинг тури жуда кўп бўлишига қарамай, турли поғоналарда структурани тартибга солиш жараёнларининг роли ҳақида қатъий тасаввурлар ҳанузгача шакилланмаган. Шунинг учун ҳам қатор илмий мактаблар (академик В.А. Белый, В.М. Бузник, А.А. Охлопков, Ю.К. Машков раҳбарлигида) ишлаб чиққан полимер фторкомпозитларнинг салоҳиятидаги ресурслари қисман амалга ошган, кунда ҳам ПТФЭ молекулаларнинг ноёб тузилишида фойдаланиш ҳисобига. Юқори мулекуляр матрицалар асосидаги фторкомпозитларнинг структурасини ва эксплуатация тавсифларини такомиллаштиришнинг истиқболли йўналиши-металлполимерлар билан бирга ишлаганда триботехник ўзгаришлардан фойдаланишдир. Бундай ёндашув профессорлар А.П. Краснов, А.А. Охлопков, В.А. Струк раҳбарлик қилаётган илмий мактабларнинг тадқиқотларида ривожлантирилаяпти. Компонентларга кам энергия сарф қилиб, оддий технологик усуллар билан таъсир кўрсатганда фторкомпозитларнинг, шу жумладан, наноўлчамлари ва силикат минералларнинг параметрлари сезиларли яхшиланди.

Диссертациянинг мақсади ва тадқиқот масалалари адабиёт ва патент манбааларини таҳлил этиш орқали баён этилади.

Диссертациянинг **«Структурани ташкил этиш поғоналари турлича бўлган нанокомпозит материалларин шакллантиришда физикавий ва кимёвий жараёнларни тадқиқ этиш ва бу материаллардан тайёрланган буюмларни трибосистемаларда ишлатиш методикаси»** номли иккинчи бобида тадқиқот учун фойдаланилган материаллар, фторли олигомер, полимер ва аралаш, матрицалар асосидаги композит материалларнинг фазавий ва структуравий ўзгаришларини таҳлил этиш методикалари баён қилинган.

Тадқиқотларни бажариш ва янги композит материалларни ишлаб чиқиш учун тузилиши ва молекуляр массаси ҳар хил бўлган фторматериаллардан фойдаланилди. Юқори малекуляр компонент сифатида русуми Ф-УПН (ГОСТ 10007-80) бўлган, саноатда ишлатишга яроқли ПТФЭ ишлатилди. Савдо маркази «Фолеокс» деб юратиладиган олигомер матрицалар (структура формуласи R_f-R_1 , R_f- фтор радикал, R_1 -функционал гуруҳ) РФА нинг Синтетик каучуклар химияси институти томонидан ишлаб чиқарилади. (Санкт-Петербург ш., Россия). Матрицали компонент сифатида «Форум» (РФАнинг УШБ га қарашли Химия институти, Владивосток ш., савдо маркаси остида чиқариладиган).

Саноатда ишлатишга яроқли ПТФЭнинг термогазодинамик синтез (ТГД-синтез) маҳсулотларидан фойдаланиб қатор эксперементал ўтказилди.

Массаси турлича бўлган фторли матрицалар учун функционал тўлдирувчи ва модификатор сифатида силикат материаллар (тупроқ, трепел, тальк, шунгит) нинг кукуни, углерод материаллари 9 техник углерод-ТУ234, каллоид графит С-1, углерод нанонайчалар –УНГ, углерод тола ЛО-1-12 Н/42, ТУ РБ 4000331289.170-2001бўйича)- дисперс зарралари ишлатилди.

Композит материалларнинг компонентлари тузилиш хусусиятларини, буюм тайёрлашдаги ва эксплуатациясидаги физик ва кимё жараёнларнинг механизмларини тадқиқ этиш учун ИК-спектроскопия («Tensor-27»), рентген-структурали анализ (Дрон-2,0), дифференциал термик анализ («Termoscan») усулларидан умум қабул қилинган тартибда фойдаланилди.

Таркиби турлича бўлган дисперс зарраларнинг активлиги, уларни олиш технологияси ва ташқи кўринишлари (габатус) 293-573К ҳароратларда ўрнатилди. Бунда «Микротестмашина» ОДО қурилмаси ёрдамида термостимулланган токларни қайд этиш усулидан фойдаланилди. Бу қурилма Белларусия ФМА нинг В.А. Белый номидаги ИММС ДМУ да ишлаб чиқилган методика асосида ишланган. Модификаторнинг зарралари морфологияси, композитларнинг структураси, буюмларнинг сирт қатламлари ва ишқалунувчи юзалардаги ажралувчи қатламлар АСМ-микроскопия (Nanotop-203), оптик ва растрли электрон микроскопия (NiRA, TESKAN) усуллари билан таҳлил қилинди.

Композит материалларнинг деформация-мустаҳкамлик параметрлари ($\sigma_р$, $\sigma_{сж}$, НВ, УУВ) тавсия этилган ўлчамли намуналар орқали, стандарт усуллар билан аниқланади. Фторли матрицалар асосида олинган композит материалларнинг триботехник тавсифлари конструктив намуналар ва юпқа қопламаларда, СМЦ УМТ турдаги ишқалаш машинаси, оригинал қурилмалар ёрдамида аниқланади. Бунда «вал-қисман ичқўйма», «бармоқ-диск», «плёнка-ролик» схемалари сирпаниш тезлиги 0,1-1,0 м/сек, солиштирма юклама 0,1-10,0 МПа шароитларда ўрганилди.

Фторли композитларнинг самарадорлигини баҳолаш учун реал ишқаланиш узелларида синалди.

Экспремент маълумотлари ОС «Windows XP» (MS office 2003, CorelDraw 11, Adobe Photoshop CS 8.0) стандарт дастурларидан фойдаланиб, матетматик статистиу усуллари билан ишловдан ўтди.

Диссертациянинг **«Молекуляр массаси турлича бўлган фторли матрицалар асосидаги вал нанокомпозит ва нанофазали триботехник материаллар структурасининг бошқаришнинг методик тамойиллари»** номли учинчи бобида айтилган тамойилларини ишлаб чиқишнинг йўналишлари кўриб чиқилган.

Матрица боғловчиларнинг молекуляр массаси мезон қилиб олиб, турли конструктив шакилларга келтирилган металлполимер металл системаларда ингибитор вазифасини бажарадиган фторли композит материалларнинг таснифи ишлаб чиқилди. Триботехник фтор композитларнинг олиш усулларини таҳлил қилишдан муълум бўладики, ташкилларнинг берилган поғонасида оптимал структура ҳосил қилиш учун кўп поғонали ёндашувнинг истиқболи яхши экан. Бунда матрицага таркиби, дисперслиги ва активлиги турлича бўлган функционал модификаторлар киритилди; компонентлар ўзаро таъсирга кириб, триботехник эврилиш ўзгаришлар бўлганда киритилади.

Турли молекуляр тузилиш ва массага, молекуляр, молекулалараро, молекулалардан юқори, нанофазали ва макрофазали поғоналарда оптимал

структурага эга бўлган фторли матрицалар асосидаги композитларни шакиллантиришнинг методологик тамойиллари учун тасниф таклиф этилди. Полимер матрицалар асосидаги функционал нанокомпозитларни хосил қилиш ва қўллашнинг турли жиҳатларга бағишланган тадқиқотлар сони кўп бўлса ҳам, зарранинг наноўлчамли ҳолатига оид, ўлчанадиган мезонни аниқлашда ягона ёндашув йўқ.

Проф. А.А. Лиопо раҳбарлигидаги бажариладиган тадқиқотларда зарра ўлчамни аниқлаш учун формула таклиф этилган. Бунда зарра наноҳолатларга хос белгиларга-зарядланган ҳолат билан боғлиқ активликка эга бўлиши керак. Биз мезон сифатида Дебай ҳарорати қийматини қабул қилиб, ўша формулани жисмонан далиллаб бердик.

Таҳлил учун адибатик яқинлашиш шароитларида фононларнинг ҳаракат моделидан фойдаланилди. Бу моделга биноан, муддатнинг *d* диаметрлик сферик изотрон зарраси атроф муҳит чегараларининг оғиш (тебраниш)и ҳақидаги фараз таклиф қилинди; бунда чегаралар қатъий координатага эга бўлмайди, ўлчамлари ўзгариб турадиган тўсиқ сифатида кўрилади (1- расм).



1-расм. Модда зарраси чегараларининг флуктуацияси

Бу ҳолатда Z –фонон энергиясининг ўлчамли поғонаси E_Z- эни δ бўлган полосага ўзгаради:

$$\left(\delta E_R\right)_z = \pi\hbar\mathrm{v}\frac{2\delta}{d^2-\delta^2}\cdot z \qquad (1)$$

Бунда тўсиқнинг сирт атомлари тебраниши натижасида сирт флуктуацияси қуйидагича ифодаланади:

$$\beta \le 1. \qquad (2)$$

бу ерда $\beta \le 1$.

Формуладаги β нинг қиймати 1,0 бўлганда акад. А.В. Шубников таъбири бўйича “Зарра буткул юзадан иборат” бўлади ва қуйидаги шарт бажарилади:

$$\pi\hbar\mathrm{v}\cdot\frac{2\delta}{d^2-\delta^2}\cdot z = \pi h\mathrm{v}\frac{1}{2d} \qquad (3)$$

(3) шартидан келиб чиқадики, ўлчанадиган энергетик полосаларнинг юзага келиши турли нанаўлчамли эффектлар намоён бўлишини тақозо этиши мумкин.

Ўлчамли намоён бўлишини тақозо этиши мумкин. Ўлчамли эффектларнинг юзага келиши, сирт таранглик кучларининг таъсири билан бир қаторда атомлараро ўзаро таъсир энергиясини кучайтириб нанозарранинг энергетикасини ўзгартиради.

Шундай қилиб, нанообъектларнинг асосий хусусиятларидан бири-структурали хусусиятларга эга (бу ҳажмий хусусиятлардан фарқ қилади, кристалл-физик химик хусусият ҳам дейилади) чегаравий қатламларнинг тузилиши ва ўлчамларини ҳисобга олишнинг шартлигидир.

Олигомер ва полимер матрицалар асосидаги, ажралувчи қатламлар ҳосил қилувчи нанокомпозиторларда энергетик ҳолатнинг аҳамияти жиддий ортади, чунки нанозарранинг сиртидаги макролмолекулаларнинг структуравий ташкилланиши жараёнлари (бу зарранинг куч майдони билан боғлиқ ва макроҳажмлар учун хос) юпқа плёнкаларда жам бўлади; бу плёнкалар ҳеч бўлмаганда битта йўналишда наноўлчамли параметрга эга.

Диссертациянинг **«Трибосистема элементларининг ишчи юзаларида оптимал структурали ажралувчи қатламлар шакиллантириш усулларини ишлаб чиқиш»** номли тўртинчи бобида фторли олигомерлар асосида тайёрланган ишқаланувчи ажралувчи қатламлар структурасининг хусусиятлари комплекс таҳлил қилинган.

Ажралувчи олигомер қопламаларнинг триботехник параметрларини яхшилаш учун учун коррозияга бардошлилик параметрлари берилган функционал қатламлардан фойдаланиш самарадорлиги ўрнатилди.

Морфологияси синтез шароитларидан келиб чиққан титан нитрид -(TiN) дан тарқатма бериш самарали бўлиб чиқди. Қутблилиги турлича бўган олигомер композитлардан (маркали Ф-АК1, В-1, Ф-14 ва б.) берилган қатламлар марфологияси ўзига хос бўлган ажралувчи қатлам ҳосил қилади (2-расм).



2-расм. Пўлат 45 тагликка берилган TiN тагқатламнинг ўзига хос морфологияси, Ф-14 дан олигомер қоплама берилгандан сўнг:

а) дастлабки; б) 323 К ҳарорат билан ишловдан кейин; в) 473 К ҳарорат билан ишловдан кейин; г) 523 К ҳарорат билан ишловдан кейин. Қатламлар сони 5 та.

Температура 373-523К ҳароратлар билан ишлов бериш сирт қатлам морфологиясини ўзгартиради, бу ҳақда таянч (эгри) чизиқларнинг тавсифлари-солиштирма юзанинг W параметри қийматлари ўзгариши дарак беради. Олигомер қопламалар структураланишнинг бунга ўхшаган механизми «TiN–олигомер» нинг турлича бирикиб келишида ҳам кузатилади ва бу, механизмларнинг умумийлигини кўрсатади; механизмлар эса, тартибга ҳосил бўлиши билан боғлиқ. Шунинг оқибатида олигомер қатлам нанофазавий структурага эга бўлади, модификацияловчи таъмир ўтказади. структура эса, комплекс. Сув ва фреон эритмалардан шакилланган ва структураланган олигамер қатламлар металл тагликнинг деформация-мустаҳкамлик параметрларини ўзгартиради; одатда, микроқаттиқлик- Н ни оширади; бу, эҳтимол, металли бирикмалар ҳосил бўлиши ва нуқсонлар камайиши билан боғлиқ. Эритма технологияси бўйича шакилланган, турли таркибдаги олигомер қатламаларнинг модификацияловчи муҳим жиҳати-сирт қатламнинг энергетик параметрлари жиддий ўзгаришидан иборат. Бу ўзгариш хўлланишнинг чекка қисим катталиги билан баҳоланади. (3-расм).



3-расм. Таглик намлик чекка бурчагининг Ф-АК2 маркали фторли олигомер билан ишлов бериш сони-n га боғлиқлиги

1-пўлат 45 + TiN; 2-М-1 маркали мис; 3-АОО алюминий; 4-пўлат 45.

Бу, модификацияланган тагликларнинг атроф муҳит ва технологик муҳит таъсирида коррозияга бардошли қилади ва трибосистемаларнинг коррозия-механик кинетикасига яхши таъсир қилади. Таркиби молекуляр массаси 2200÷5000 бўлган олигомер компонент киритилган трибосистемалардаги ажралувчи қатлам структурасининг механизми ва кинетикаси тадқиқ этилди.

Турли таркибдаги металл тагликка (пўлат 45, пўлат 45+ TiN, М-1 мис, Al ОО) берилганда кўчириб ўтиш механизми бўйича шакилланган ажралувчи қатлам стабиллашиши учун қулай шароит туғилади. Кўриб ўтадиган зарралар ҳосил қиладиган компонент (мос, қатламли компоненти бор композитлар) ишчи юзасига олигомер қоплама берилган бошқа бир жисм

(контртело) билан ишқаланганда, бир неча циклдан (10-50) кейин ажратувчи қатлам ҳосил бўлади (5-расм), солиштирма юзаси – W номинал юзанинг камида 30-40% ни ташкил қилади (4-расм).



4-расм. Кўчиб ўтувчи плёнка солиштирма юзасининг ишқаланиш цикллари сонига боғлиқлиги; ишқаланиш жуфти;
пўлат 45+TiN, тагқатламда томчили фаза йўқ (1,2-чизиқлар), шундай фаза бор (3-чизиқ).

Бажарилган тадқиқот натижалари асосида ажралувчи қатламларни шакиллантириш усуллари таклиф этилди. Бу усулларда структурани ташкиллаш поғоналари шундай бериладики, турли технологиялар билан ясалган, турли технологиялар билан ясалган, турли конструкциясидаги трибосистемалар оптимал ишлаши таъминланади.



а б в г

5-расм. Пўлат 45+TiN дан иборат қарши жисм (контртело) сиртининг морфологияси
а) дастлабки кўриниш; б) ÷ г) углеродли композит билан ишқалангандан сўнг; 10 цикл (б), 40 цикл (в), 50 цикл (г);
ҳамма расм 50 марта катталаштирилган

Диссертациянинг **«Фторли матрицалар асосида триботехник нанокомпозит материалларнинг таркиблари ва технологияларини ишлаб чиқиш»** номли бешинчи бобида турли молекуляр массага эга бўлган фторли матрицалар асосида олинган компонентлар ва триботехник материаллар структураси ва морфологиясини тадқиқ этиш натижалари берилган. Ярим маҳсулотлар: ПТФЭ, металл оксидлари, тупроқ, углерод нанонайча, шунгит, силикат шишаларнинг дисперс зарралари морфологияси таҳлил қилинди. Полимер матрица (ПТФЭ) ва нанотўлдирувчилар зарраларининг сирт қатлами морфологияси РЭМ маълумотларидан фойдаланиб таҳлил қилинганда маълум бўладики, у пластер хусусиятга эга ва энергетик ҳолати, ТСТ спектларига мувофиқ, компенсацияланмаган зарядга боғлиқ экан.

Дисперс зарраларнинг термостимулли ток, спектрларини таҳлили кўрсатишича, ўзига хос умумий ва индивидуал белгилари намоён бўлади.

Тадқиқ этилган таркиби, тузилиши ва олиш технологияси турлича бўлган кичик ўлчамли компонентлар (шунгит, УПТФЭ, УНТ ва б.) турли ҳароратлар оралиғида актив хусусиятга эга. Шунинг учун муайян мақсадлар учун модификатор танлашда оптимал натижаларга эришиш мақсадида активлик ҳароратларини ҳисобга олиш зарур.

Наноўлчамли модификаторлар рўйҳатида политетрафторэтилен (УПТФЭ) нинг термогазодинамик синтез (ТГД-синтез) маҳсулотлари алоҳида ўрин тутади. УПТФЭ устида бажарилган тадқиқотлар унинг структураси пластерли эканини кўрсатди. Бундай структурани турли молекуляр массага (олигомер, полимер) габитус ва ўлчамга эга компонентлар ҳосил қилади. Бундай морфология ва молекуляр тузилиш компонентларнинг термодинамик ўзаро мослиги юқори бўлганда матрицали полимер кўп поғонали модификацияланиши мумкинлигини кўрсатади.

Фторли матрицалар асосида, таркибида турли таркибдаги модификаторларнинг наноўлчамли зарралари 1-3 масс% бўлган триботехник композит материаллар ишлаб чиқилди. ПТФЭ матрицасига қатламли минералли ва трепел, олмосграфит (УДАТ) ларнинг нанозарраларини киритиш (дастлабки ҳолатда ва 873-1273К ҳарорат билан ишлов берилган ҳолатда) чўзишдаги мустаҳкамликни $\sigma_р$ (18÷20МПа дан 19÷29,5 МПа гача), қаттиқлик НВ ни (18-27 НВ дан 42÷52 НВ гача) ва ейилишга бардошлиликни оширади.

Эксплуатация талаблари юқори бўлган ишқаланишнинг узеллари учун кам тўлдирилган нанокомпозитлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларда икки поғонали модификаторлар қўлланган (УПТФЭ+ТУ, УПТФЭ+трепел, УПТФЭ+тупроқ). ПТФЭ матрицасига бир вақтнинг ўзида УПТФЭ нинг полимер-олигомер зарралари киритилганда чегара қатламлар пластиклашади, натижада сферали турдаги молекулалардан юқори структуралар шакилланади, уларнинг кристалланиш марказлари ТУ нанозарралари ва силикатли минераллар бўлади. Бу, ўз навбатида, деформация-мустаҳкамлик кўрсаткичлари ва трибокомпозитларнинг триботехник тавсифлари биргаликда (синергетик) кўпайишига олиб келади.

Реверсив ҳаракатлар ва катта босимлар билан ишлайдиган ишқаланиш узелларида триботехник тавсифларни оширишнинг энг самарали усул термопластик материалдан ишланган тагқатламга фторли нанокомпозит қоплама беришдир (ПА6, ПА11, ПА6+ПА11, ПА66).

Ушбу ишланма Ўзбекистон Республикаси автомобил йўллари Давлат қўмитасининг «Трансйўлқурилиш» ДУК автомобил агрегатлари деталларининг таъмирлаш технологик жараёнларида қўлланган. Қалинлиги 5-10 мкм бўлган ишлаб чиқилган қоплама ейилишга чидамлиликни 1,5-2 маротабага оширади, бунда ишқаланиш коэффициенти таркибида фтор бўлган олигомерлар эритмаларидан шаклланган триботехник қопламаларнинг самарадорлигидан қолишмайди.

Мавжуд бўлган зазорларни ҳисобга олган ҳолда, ишқаланиш узелларини ҳисоблашнинг амалий методикаси, ҳамда бошланғич дефектлари бўйича узелларнинг техник ҳолатини аниқлаш усули таклиф этилган.

Олинган натижаларни қўллаш, «Трансйўлқурилиш» ДУКнинг татбиқ қилиш акти билан тасдиқланган деталларнинг ишлаш ресурсини ошириш ҳисобига иқтисодий самара олишга имкон беради.

ХУЛОСА

«Автотрактор агрегатлари учун фтортаркибли металл-полимер композицион материалларни яратиш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Фтортаркибли ейилишни секинлаштирувчи металлополимер триботехник тизимнинг молекуляр массаси бўйича таснифи ишлаб чиқилган.

2. Молекуляр, молекулалараро, молекулалардан кейин, нано- ва макрофала даражалардаги полимер, олигомер ва аралаш матрица асосли фтортаркибли нанокомпозицион материалларни структурасини бошқаришнинг услубий қонун-қоидалари ишлаб чиқилди.

3. Фононларнинг адиабатик яқинлашиш шароитларидаги ҳаракат модели асосида, зарранинг наноҳолатини белгиловчи ўлчамини аниқлашнинг физик далиллари келтирилди, бунда Дебай ҳарорати Θ_D мезон қилиб олинди. Бу дисперс зарраларнинг нано холатини кўрсатади.

4. Ишлаб чиқилган антифрикцион полимер қоплама шлицали бирикмалардаги ейилишга чидамлиликни оширади ва ишқалашиш коэффициентини қопламасиз бирикмаларга нисбатан 1,5-2 марта камайтиради.

5. Ишлаб чиқилган фтортаркибли композицион триботехник материал Ўзбекистон Республикаси Автомобил йўллари давлат қўмитасининг «Трансйўлқурилиш» ДУКнинг «MAN» русумли юк автомобиллари кардан валлари шлицали бирикмаларини таъмирлаш жараёнида ейилувчи юзаларга қоплама сифатида татбиқ этилган. Олинган натижаларни татбиқ қилиниши деталларнинг ишлаш ресурсини ошириш ҳисобига йилига кутилган иқтисодий самара олиш имконини берди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 28.02.2018.T.03.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ПО ПРОЕКТИРОВАНИЮ, СТРОИТЕЛЬСТВУ И ЭКСПЛУАТАЦИИ АВТОМОБИЛЬНЫХ ДОРОГ

ЮЛДАШЕВА ГУЛНОРА БУРАНОВНА

СОЗДАНИЕ МЕТАЛЛОПОЛИМЕРНЫХ КОМПОЗИЦИОННЫХ ФТОРСОДЕРЖАЩИХ МАТЕРИАЛОВ ДЛЯ АВТОТРАКТОРНЫХ АГРЕГАТОВ

05.02.01-Материаловедение в машиностроении. Литейное производство. Термическая обработка и обработка металлов давлением. Металлургия черных, цветных и редких металлов (по направлению литейное производство и технология обработки металлов)

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА

ФИЛОСОФИИ (Phd) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент - 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером B2018.4.PhD/T72 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте по проектированию, строительству и эксплуатации автомобильных дорог.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице www.tdtu.uz и на Информационно–образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	**Рискулов Алимжон Ахмаджонович** доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Джумабаев Алижон Бакишевич** доктор технических наук, профессор
	Михриддинов Рисқидин Михридинович доктор технических наук, профессор
Ведущая организация:	**Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта**

Защита диссертации состоится «23» февраля 2019 года в 14^{00} часов на заседании Научного совета DSc.28.02.2018.K.03.04 при Ташкентском государственном техническом и национальным университетах. (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. тел: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@edu.uz.).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрировано номером №113). (Адрес:100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (998971) 246-03-41.

Автореферат диссертации разослан «8» февраля 2019 года (протокол реестра № 46 от «6» февраля 2019 г.).

К.А.Каримов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

Н.Д.Тураходжаев
Секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

Р.М.Михридинов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации.

Создание самых подходящих материалов для производимых автомобилей в мировой транспортной сфере считается одним из самых важных задач. Уделяется особое внимание обеспечению конкурентосопособности продукции и повышению эффективности производства композиционных материалов, применяемых в изготовлении элементов металлополимерных систем для автомобильной отрасли в развитых странах мира, в том числе Америке, Европе, Японии, Южной Корее, России, Украине, Беларуссии.

В мире особое внимание уделяют осуществлению целевых научных изысканий в сфере создания эффективных видов нано композитных материалов, получаемых на основании фторных соединений, уменьшение коэффициента трения тонкого покрытия и конструктивных элементов трения деталей, уменьшение скорости коррозионно-механического износа, производство композиционных материалов с конкурентным показателем считается одним из важных задач. Также считается необходимым повышение прочности, безопасности и срока действия композитов на основании матрицы с содержанием фтора с молекулярной массой и устройством, производство металлополимерных системных элементов в качестве конструкционных материалов и тонкого покрытия.

В Республике особое внимание предпринимаются меры по повышению качества автомобильных агрегатов до мирового уровня и повышению качества материалов, используемых для продления срока службы, прочности и безопасности оборудований производимых машин и механизмов. Таким образом, обеспечение конкурентоспособности национальной продукции во внешнем и внутреннем рынке считается задачей номер 1. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы отмечено особым образом «... уменьшение затраты энергии и ресурсов, широкое внедрение энергосберегающих технологий для повышения конкурентоспособности национальной экономики, ...». Для осуществления данных задач, в том числе разработка структур покрытий и нанокомпозиционных триботехнических материалов на основании фтор компонентов с разными молекулярными массами для процессов приготовления деталей трения автомобилей, сложных технологических приборов, запорной арматуры, приборов и полу продукции методов холодной деформации считается важной задачей.

Данная диссертационное исследование в определенной мере служит для осуществления задач в Указах Президента Республики Узбекистан ПК-2120 от 4 февраля 2014 г. «о программе готовой продукции, запасных частей

и материалов за 2014-2016 годы» и ПК-2298 от 11 февраля 2015 г. «о программе производства готовой продукции, запасных частей и материалов в местных условиях за 2015-2019 годы», ПФ-4947 от 7 февраля 2017 г. «о стратегии действия по развитию Республики Узбекистан за 2017-2021 годы»[2] и ПК-3682 от 27 апреля 2018 г. «О мерах усовершенствования системы внедрения инновационных идей, технологий и проектов» и других нормативно-правовых документах, относящиеся к данной деятельности.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствие приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение», VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Интенсивные многофакторные исследования феномена наносостояния конденсированных сред позволили получить ряд результатов, составляющих научные основы функционального материаловедения на основе полимерных, олигомерных и совмещённых матриц. В исследованиях, выполненных Drexlel K.E., Pool C.P., Owens F.J., Eds. A.S. Edelstein, Caminarata R.C., Ajayan P.M., Schadler L.S., Braun A.V., Stroscio M.A., Dutta M., Суздалевым И.П., Гусевым А.И., Третьяковым Ю.Д., Андриевским Р.А., Охлопковой А.А., Бузником В.М. и др., рассмотрены особенности строения и параметров электрофизических характеристик наноразмерных частиц различного состава и технологии получения.

Исследованиями проф. Лиопо В.А., проф. Струка В.А. (УО «Гродненский государственный университет», Беларусь) разработано аналитическое выражение для оценки размера наночастиц. В результате исследования установлено корреляции расчётных параметров и экспериментально наблюдаемых эффектов структурного модифицирования на различных уровнях организации.

Учеными Республики Узбекистан академиками Рашидовой С.Ш., Негматовым С.С., профессорами проф. Ашуровым Р.Н., проф. Рискуловым А.А., Юнусовым Х.Э., Зиямухамедовой У.А. Разработан механизм структурной адаптации фрикционных взаимодействий полимерных материалов. Один из способов создании нанокомпозиционных материалов на основе фторсодержащих связующих являются актуальной проблемой, решение которой позволит изучить механизмы формирования структуры композитов с повышенными параметрами эксплуатационных характеристик; создание научных основ материалов применяемых в машиностроении, энергетике и химической промышленности.

